

Фикҳ дарслари (23-дарс). Сиёсатуш-шаръийя китоблари



13:40 / 06.03.2019 6758

Бу тоифадаги китобларда давлат сиёсатини қандай юритиш ҳақида сўз юритилади.

1. «Ал-аҳкомус-султонийя вал вилоятуд-динийя».

Сиёсатуш-шаръийя китоблари ичида энг қадимги ва машҳурларидан бири имом Мовардийнинг «Ал-аҳком ас-султонийя вал вилоятуд-динийя» номли китобидир. Одатда бу номни қисқа қилиб «Ал-аҳком ас-султонийя» дейилади.

Муаллифнинг тўлиқ исми – Абулҳасан Али ибн Муҳаммад ибн Ҳабиб Мовардий. У киши ҳижрий 364 санада Басрада туғилган. Фикҳ, усул, тафсир ва адабиётда пешқадам саналган бу олим шофеъий мазҳабида

бўлган. Абулқосим Суҳайрий, Абу Ҳомид Исфиройиний, Ҳасан ибн Али Ҳийлий ва бошқалардан дарс олган. Кўплаб шогирдлар етиштирган. Унинг шогирдлари ичида айниқса Хатиб Бағдодий ва Абулъизз ибн Каадиш машҳурдир.

Имом Мовардийнинг муҳим китобларидан «Ал-ҳовий ал-кабир», «Адабуд-дунё вад-дин», «Қонунул визора», «Ал-иқноъ», «Далоилун-нубувва» ва «Тасҳилин-назар»ни айтиб ўтишимиз мумкин. У киши ҳижрий 450 санада Бағдодда вафот этган.

«Ал-аҳком ас-султонийя» китобида имом Мовардий Ислондаги сиёсий, молиявий, қозилик, идорий ва аскарый тузумлар ҳақида баҳс юритади.

Имом Мовардий ўзининг бу китобида давлат бошлиғи, халифалик, вазирлик, унинг турлари ва шартлари, жиҳодга ва юртларга амирлик қилиш, қозилик ва шикоятларга қараш, намозга имом бўлиш ҳамда ҳаж ва садақаларга раҳбарлик қилиш ҳақида сўз юритган.

Шунингдек, «Ал-аҳком ас-султонийя» китобида қозилик тузуми, шикоятлар бўйича девоннинг ишларини йўлга қўйиш тартиблари ва тафтишчилик бўйича нималар қилиниши лозимлиги ҳам батафсил баён этилган.

Бундан ташқари, имом Мовардий ўзининг бу китобида давлатнинг вазифалари нималардан иборатлиги ҳамда ҳоким ва маҳкум ўртасидаги алоқалар қандай бўлиши лозимлигини ҳам айтиб ўтган. Китобда ўлжа, жизя, харож ва қўриқ ерларни ўзлаштириш масалалари ҳам батафсил ёритилган.

Кейин эса катта жиноятлар ва уларга белгиланган шаръий жазолар, ҳадд, қасос ва таъзир ҳақида сўз юритилган.

«Ал-аҳком ас-султонийя» китоби исломий тузумлар ва сиёсатуш-шаръийя бўйича энг мўътабар ва машҳур китобдир. Имом Мовардийдан кейин келган ва ушбу масалада сўз юритган ҳамма уламолар худди шу китобдан фойдаланганлар.

Имом Суютий «Ал-аҳком ас-султонийя»ни мухтасар қилган. Китоб ўзининг равонлиги, тартибининг гўзаллиги, мазҳабларнинг ижтиҳоди солиштирилиши, оят, ҳадис, асарлар ва шеърлардан далил келтирилиши билан эътиборни ўзига тортади. Мутахассислар бу китобдан кўп фойдаланадилар. «Ал-аҳком ас-султонийя» жуда кўп марта нашр қилинган.

2. «Ас-Сиясатуш-шаръийя фий ислоҳир-роъий ар-раъийя».

Бу китоб ҳанбалийлардан Аҳмад ибн Абдул Ҳалийм ибн Таймиянинг қаламига мансубдир. У киши ҳижрий 661 санада Ҳарронда туғилган ва ҳижрий 728 санада Дамашқда вафот этган.

Аҳмад ибн Абдулҳалим ибн Таймия отаси Абдулҳалим, Шамсуддин ибн Қудома, Зайнуддин ибн Нажо, Маждиддин ибн Асокир, Ибн Аллон, Яҳё ибн Сайрафий ва бошқалардан дарс олган.

Унинг шогирдлари ичида Шамсуддин Заҳабий, Абу Ҳайён Наҳвий, Шамсуддин Мақдисий ва бошқалар бор.

Аҳмад ибн Абдул Ҳалим ибн Таймия «Иқтизои сиротил мустақийм», «Фатавои Ибн Таймия», «Минҳожус-сунна ан-Набавийя» ва бошқа бир қанча китобларни ёзган.

«Ас-сиясатуш-шаръийя фий ислоҳир-роъий ар-раъийя» китобида муаллиф асосан шаръий жиҳатдан ҳоким ва маҳкум орасидаги алоқаларни низомга солишга ва ҳукмдор қандай ҳукм юритиши ҳамда қўл остидагиларга нисбатан қандай сиёсат қилишига эътибор қаратган.

Китоб икки бобга бўлинган.

Биринчи бобда энг салоҳиятли ва рисоладаги ҳокимни сайлаш қандай бўлиши ҳақида сўз кетган.

Иккинчи бобда эса мусулмонларнинг молу мулкини қандай тасарруф қилиш кераклиги борасида баҳс боради.

Китобнинг охирида оят ва ҳадислардан далиллар келтириш орқали шаръий жазоларнинг қандай амалга оширилиши ҳақида батафсил баён келган. Шунингдек, тўрт мазҳаб имомларининг ижтиҳодлари ҳам келтирилган бўлиб, имом Аҳмаднинг мазҳабига алоҳида эътибор берилган. Сўнгра муаллиф ўзига маъқул келган тарафни қўллаган.

3. «Шарҳус-сияри кабийр».

Бу китоб ҳанафий мазҳабидаги олим Муҳаммад ибн Абу Саҳл Сарахсийнинг қаламига мансубдир. Имом Сарахсий ҳижрий 483 санада Фарғона шаҳрида вафот этган. У киши фикҳ, усул ва ҳадис бўйича катта ва машҳур олим бўлган. Ҳанафий уламолар имом Сарахсийни соҳиби мазҳабдан ривоят бўлмаган масалаларда мужтаҳидлардан деб ҳисоблайдилар. У киши кўп

китобларини Ўзгандаги зиндонда ўтириб ёзган. У киши Шамсул Аимма Абдулазиз Ҳалвонийнинг шогирдларидандир.

Имом Сарахсий кўплаб китоблар ёзган. Ўша китобларнинг ичида «Мабсут», «Усул» ва «Ан-нуқат» китоблари жуда ҳам машҳурдир.

«Шарҳус-сияри кабийр» китоби имом Сарахсийнинг имом Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг «Ас-сияр ал-кабийр» китобига ёзган шарҳидир.

Бу ҳанафий мазҳаби бўйича сиёсатуш-шаръийяга оид китобдир. Бу китоб уруш ва унга оид ҳукмлар, бошқа диндагилар билан бўладиган алоқалар ҳақидаги қонунлар мажмуаси десак, хато қилмаган бўламиз. Унда Қуръон ва Суннатдан далиллар келтирилган.

Имом Сарахсий «Шарҳус-сияри кабийр» китобида аввал оят ёки ҳадисни келтиради. Сўнгра уларни шарҳ қилади ва шаръий ҳукмни чиқаради. Бу китобда зикр қилинган масалаларнинг сони 453 тага етган.

4. «Маъолимул қурба фий маъолимил ҳисба».

Бу китобнинг муаллифи Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ахва Қурашийдир. Шофеъий мазҳабида.

5. «Ниҳоятур-рутба фий толабил ҳисба».

Бу китобнинг муаллифи Абдурраҳмон ибн Наср Шизрий ҳам Шофеъий мазҳабида.

6. Ал-муқаддима ас-султонийя фис-сиясатуш-шаръийя.

Бу китобнинг муаллифи Тўғон Муҳаммадий Мисрий Ҳанафийдир. Китоб ҳижрий 878 йилда ёзиб тугатилган.

“Фикҳий йўналишлар ва китоблар” китобидан